



Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqqa boshlagan

2002 yil, 11 oktabr № 42 (527)

Sotuvda narxi erkin

ПОЧТАЧИЛАР МАМНУН БЎЛДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида "Тошкент почтаменти" акциядорлик жамияти ҳамда филиаллари ходимлари иштирокида 9 октябрь — Бутунжаҳон почта иттифоқи кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Уни "Тошкент почтаменти" АЖ директори биринчи ўринбосари К.Алимов кириш сўзи билан очиб, барчани самимий қутлади.

Йиғилишнинг бадиий қисмида почтачилар томонидан шеър ва қўшиқлар ижро этилди ҳамда рес-

публикамит почта соҳасига тааллуқли саволларга жавоб берилди. Фаол иштирокчилар тақдирландилар. Шунингдек, корхонанинг Чилонзор, Шайхонтоҳур, Мирзо Улугбек ва Сирғали туманлараро филиалларида меҳнат қилаётган оқилвий почтачиларга корхона жамoa касаба уюшмаси кўмитасининг махсус совғаси — магнитофон топширилди.

Тантанани корхона касаба уюшмаси кўмитаси раиси Т.Муҳаммаджонова олиб борди.

9 октябрь — Бутунжаҳон Почта Иттифоқи кун

Почта алоқаси — одамлар қўндалик ҳаётининг бир қисми-дир. Бутунжаҳон Почта Иттифоқи (БПИ) 1874 йили Швейцарияда ташкил қилинган бўлиб, қароргоҳи Берн шаҳрида жойлашган. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус агентлиги ҳисобланади ва бутунжаҳон почта хизматлари фаолиятини бошқариб туради. БПИ ўзига 189 та аъзо давлатларни бирлаштирган дунёдаги энг катта хизмат тармоғидир.

Ўзбекистон Республикаси 1993 йил, декабрда БПИга аъзо бўлган, ватанимиз почта алоқаси олдида янги масалалар пайдо бўлди. Халқаро почта жўнатмаларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва жўнатиш ягона шартлар асосида — БПИ талаб ва қоидаларига мос равишда бақарилишини республикада ҳам таъминлаш лозим эди. Хориж давлатлари билан ҳамкорлик тобора ривожланиб, халқаро почта алмасуви ҳажми ошиб бормоқда. 1998 йили жаҳоннинг 84 та давлати билан почта алмасуви амалга оширилган бўлса (шулардан 69 та давлат билан ёпиқ депешалар), 2002 йилга келиб бу кўрсаткич 98 тага (шулардан 83 та давлат билан ёпиқ депешалар) етди.

"Ўзбекистон почтаси" ДАК таркибига 191 та туман ва шаҳар тармоқлари, 3021 та алоқа бўлими, шу билан бирга 2314 та қишлоқ алоқа бўлими киритилган 14 та ҳудудий акциядорлик жамиятлари, "Халқаро почтамент", "Ўзбекистон маркази", "Халқаро тезкор почта" акциядорлик жамиятлари киритилди. Тармоқ бўйича 15977 киши меҳнат қилади.

Почта алоқаси корхоналарида 7996 та етказиб бериш участкалари ташкил қилинган бўлиб, шаҳарларда 2399 та, шаҳар шаклидаги посёлкаларда 304 та ва қишлоқ жойларда 441 тадир. Хизмат кўрсатиш ҳудудлари ёзма жўнатмалар учун 6757 та почта қутилари мавжуд бўлиб, 4545 таси қишлоқларга ўрнатилган. Шунингдек, 38 та авиа, 384 та автомобил ва 5 та темирйўл йўналишларида (ҳар куни) почта ташкил бўлган қўйилган.

Почта ташкилотларида 15000 дан ортиқ ходимлар ҳар куни минглаб хатлар, жўнатмалар, телеграммалар, пул жўнатмаларини қайта ишлайдилар ҳамда нафақа ва бошқа тўловлар, миллионлаб газет

партилари ва 42 та факсдан фойдаланилмоқда. Алоқа ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш ("Пул ўтказиш", "Омбор", "Бухгалтерия", "Валюта ҳисоб varaғи" ва бошқалар) бўйича қатор ишлар қилинди. Тошкентда ва бошқа йirik шаҳарларда ноанъанавий хизмат кўрсатишининг янги турлари — ҳужжатларни кўпайтириш, электрон почта ва факс хизмати, коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилиш, халқ истеъмол моллари реализацияси ва бошқалар жорий этилди.

1998 йилдан буён "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали Ахборот ҳисоблаш маркази, АТ "Алоқабанк" ва "Тошкент почтаменти" акциядорлик жамиятлари билан ҳамкорликда аҳолига почта ва электралоқа

РЕСПУБЛИКА ПОЧТА АЛОҚАСИ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

вий муносабатларни ўрнатиш ҳуқуқига эга бўлди.

Республикамиз ҳукумати қарорига биноан "Ўзбекистон почтаси" ДАК таркибига Почта хавфсизлик хизмати ташкил қилинди. Ушбу хизматнинг асосий вазифаларидан бири почта жўнатмаларида жўнатиш таъқиқланган буюмлар тўғрисида огоҳлантиришдан иборатдир.

2002 йил, август ойида АҚШ давлат департаменти ва Ўзбекистон ҳукумати ҳамкорлигида "Химиявий ва биологик актив почта жўнатмалари инцидентларини бошқариш" мавзусида ўқув курслари ташкил қилинди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси почта алоқасини ривожлантиришининг асосий йўналишлари замонавий талаблар даражасида хизмат кўрсатиш, мижозлар талабини тўла қондириш ва почта жўнатмаларининг қайта ишланишини БПИ стандартларида қўрсатилган таъминлашга қаратилган.

Кейинги йилларда алоқа корхоналарини замонавий ускуналар ва транспортлар билан таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди. Аҳолига хизмат кўрсатишда 280 та электрон тарозилар, 446 дан ортиқ автомобиллар, 408 та компютер, 72 та модем, 53 та нуска кўчириш ап-

хизматларини кўрсатишда ягона компютер тармоғини ишлаб чиқиш учун ишлар олиб бормоқда. Хиндистон билан имзоланган Келишувга мувофиқ Тошкент шаҳрининг учта алоқа бўлими компютерлар билан жиҳозланди.

Хозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси почта тармоғи замонавий талаблар даражасида хизмат кўрсатишни амалга ошириш учун бошқарув тизимини такомиллаштириш, маркетинг хизматини ташкил қилиш, ишлаб чиқариш жараёнини мукамаллаштириш, техникани янгиллаш ва қайта жиҳозлаш, иқтисодий таҳлил механизми ва режалаштиришни йўлга қўйиш, бугунги хизматлари ҳисоби ва назоратини янада такомиллаштириш, ходимлар тайёрлаш тизимини шакллантириш, моллий-техникавий таъминот хизматини йўлга қўйиш, ноанъанавий хизматлар кўрсатиш ва бошқа асосий йўналишларни ривожлантириш зарур.

Юқорида белгиланган ишларнинг бақарилиши почта хизмати сифатини янада оширади ва унинг жаҳон почта тизими билан янада уйғунлашувига йўл очди.

А.МАХМУДОВ,
"Ўзбекистон почтаси" давлат акциядорлик компанияси Бош директори

•Муаммо
•Мулоҳаза

Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение корхонаси таъсир ва радиоэшитириш дастурларини бутун республика бўйича ўзининг радиотелевизион марказлари (РТМ) орқали тарқатади. Ушбу радиотелевизион марказларининг баъзи бирлари бориш қийин бўлган тоғ минтақаларида (мисол учун, "Қўйоташ", "Лангар", "Одамтоғ", "Вахшвор") жойлашганини туфайли у ерларга жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мол маҳсулотлари ва смена ходимлари шатакчи ёки тракторлар билан олиб чиқилади. РТМлардаги мавжуд техника жиҳозлари — телерадиоэшитириш узаткичлари, дизел-генераторлар, электронергия таъминоти тизими асосан Россия ва Чехославкияда 70-80 йилларда ишлаб чиқарилган бўлиб, бугунги кунда улар ўз мулатларини ўтаб бўлган. Бино ва қўрилмалар ҳам анчагина эскирган.

1991 йилдан 2000 йилгача телерадиодастурлар тарқатиш соҳасига ҳеч қандай маблағ ажратилмади. 2000 йилдан бошлаб "Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш" Япония лойиҳасининг 2-қисми бўйича (лоийҳага JBC банки маблағ ажратган) иш олиб бориляпти. Ушбу лойиҳага мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасини, Хоразм, Навоий, Бухоро, Қашқадарь вилоятларида 63 та телевизион ва 36 та радиозаткичларни алмаштириш мўлжалланган. Бу ишлар амалга ошган, баъзи бандлар тоғларда жойлашган РТМлар аҳоли яхшиланган. Айни чоғда янги телерадиоэшитириш узаткичларини монтаж қилиш учун зудлик билан жойларда бино ва қўрилмаларни капитал таъмирлаш керак.

Хозирги вақтда корхонамиз телерадиодастурлар тарқатиш республика бюджетни ажратган маблағ ҳамда узаткичлар, металл конструкцияли минора ва маҷталар ижараси ва хорижий радиозаткичларини тарқатишдан олдин маблағлар ҳисобидан амалга ошириб келмоқда. Лекин шуларга қарамай ҳар ойлик маблағ танқислиги 10-12 млн. сўмни ташкил этмоқда ва корхонанинг молиявий аҳоли доимо муаммо бўлиб келаётди. Шундай оғир аҳолига тушишининг қатор сабаблари бор, албатта.

Биринчидан, корхонамиз кўрсатган хизматлар учун "Ўзтеле-радиокомпания"си маблағини ўз вақтида тўламайпти. Бу муаммо жорий йил, феврал ойидан бошлаб вақтинча ҳал қилинди. Иккинчидан, "Ўзтеле-радиокомпания"си билан ўзаро ҳисоб-китоблар ласт та-

рифларда амалга оширилмоқда. Натижада техник жиҳозларни замонавийлаштириш (модернизациялаш) учун маблағ тўлаш имкони бўлмай, фақат эксплуатацияга сарфланган харажатлар ўрни қоплавишти холос. Тариф белгилаш усуллари ҳам мукамал эмас, яъни энергия етказиб бериш нархини ўзгартириш жиҳози олинмаган. Шунинг учун тарифлар қайта қўрилиши лозим. Ана шу ишлар ҳисобга олинмас экан, корхонада бирон бир натижага эришиш қийин.

РРТК бўйича вужудга келган вазиятни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, корхонанинг иқтисодий барқарорлиқка эришиши учун "Ўзтеле-радиокомпания"сидан маблағларни мўлдат равишда тўла-нишини таъминлаш билан бирга тарифларни ошириш, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан моддий ёрдам қўрсатилиши ва албатта қўшимча даромад манбаларини излаш зарурдир.

Корхона даромадини ошириш учун тарифларни қайта

қўриш ва қўлай вариантни танлаш, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази мутахассислари билан биргаликда энергия етказиб бериш нархини ўзгартириш механизмининг ҳисобга олган ҳолда тарифларни белгилаш усуллари ишлаб чиқиш, ҳудудлар ва марказларда радиоэшитириш студияларини очиб ва "Ўзтеле-радиокомпания"си дастурлари бўш вақтидан фойдаланиш, радиоэшитиришлар ташкил қилиш (корхона ҳозир бундай ишда ўз таърибасига эга, яъни "Сурхонда" РТМда жорий иш бошланган бўлиб FM диапазонда "Сурхон селоси" радиостудияси ишлаб келмоқда), қисқа тўлқинда ишлайдиган радиозаткичлар иш вақтини ошириш, корхона балансидаги (фақатгина 30 фойз иш билан таъминланган 18та кучли (100кВТлан) қисқа тўлқинда ишлайдиган радиоэшитириш узаткичларини унингчи мамлакатларга ижарага (ретрансляция учун) бериб, валюта ишлаб топшиш каби йўналишларни белгилаш мумкин.

Юқорида айтилган таклифларнинг бақарилиши ва Агентлиkning қўшимча моддий ёрдами корхонанинг бандлар тоғларда жойлашган радиотелевизион станциялари аҳолини яхшилаш имконини беради.

Х.СОАТОВ, Радиоалоқа, радиоэшитириш ва телевидение корхонаси бошлиғи

ТАНГЛИКДАН ЧИҚСА БЎЛАДИ

•Наманган тумани янгиликлари

ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

"Наманган почтаси" АЖнинг Тошбулоқ филиалида "Қарияларни қадрлаш йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, тармоқда узоқ йиллар ишлаб, эндиликда кексалик таътидан баҳраманд бўлаётганларга турли саналар муносабати билан алоқуда иззат-иқром кўрсатилипти. Яқинда байрамона дастурхон ёзилиб, 40 нафарга яқин фахрийлар бир пилса чойга таклиф қилинди.

Корхона бошлиғи Ҳасанов Ҳўжаев йиллангиларни қутлаб, самимий таъриф учун чўқур миннатдорчилик изҳор қилди. Таъбир сўнгидан Турдали Юсупов, Аҳмаджон Исаев, Гавҳархон Сиддиқова сингари қарияларга корхона ҳамда бошлангич касаба уюшмасининг эъдилик совғалари топширилди.

ОБУНА ҚИЗГИН

Матнавий ҳаётимизнинг ажралмас қисми ҳисобланган вақтин маънот нашрларига 2003 йил учун обуна ишлари "Наманган почтаси" АЖнинг Тошбулоқ филиалида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Жамоатчи обуна тарқатувчи Мирзозод Юсуповнинг сай-ҳаракатлари билан марказий почта ҳамда туман ҳудудидagi 15 та бўлимда меҳнат қилаётган 70 нафар ишчи-хизматчи ўзлари ёқтирган нашрлар қўлора "Xabar" газетасига ҳам биринчилардан бўлиб ёзилмоқда. Хозиргача 30 нафардан ортиқ алоқачи "Xabar"га йиллик обуна бўлишти.

Б.ҚЎШМОНОВ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҒИ – 10 ЁШДА

Ўзбекистонда халқаро алоқа Москва халқаро станцияси орқали ўн йил аввал ташкил этилган бўлиб, у 13 та ибрат кўватли телефон каналдан юборат эли. Табиийки, бу республикамизнинг дунё мамлакатлари билан тобора ривожланиб бораётган муносабатларида давлатимизнинг халқаро алоқага бўлган эҳтиёжини қаноатлантира олмас эди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистоннинг бутун дунё билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларини ўрнатиш учун ўзинида халқаро алоқага чиқадиган станцияларини қуриш мақсадида ҳукуматимиз 1991 йили 6 млн. АКШ доллари миқдорига маблағ ажратди.

1992 йилга келиб, NEC фирмаси (Япония)нинг NEAX-61 коммутацион станцияси ва "Интелсат" тизимидаги ер усти йўлдош станцияси мажмуаси қурилди. Натижада ўша йилнинг 5 октябрида бошқа давлатлар алоқа каналларини воситаларига қарам бўлмаган ҳолда, тўғридан-тўғри Япония билан дастлабки тўрт канал бўйича биринчи халқаро сўзлашув амалга оширилди. Шу тарзда Тошкент халқаро алоқа маркази ташкил этилди ва тезорлик билан ривожланиб, 6 ой мобайнида бевосита Германия, Туркия, Буюк Британия, АКШ, Франция, Италия, Хиндистон, Исроил, Корея, Сингапур, Покистон ва бошқа давлатларга чиқадиган халқаро каналлар йўлга қўйилди.

1995 йили "Сименс" фирмаси (Германия)нинг EWSД халқаро ва шаҳарлараро автоматик коммутацион станцияси қурилиши халқаро алоқанинг ривожланишида яна бир катта қадам бўлди. Унинг негизда Халқаро коммутация маркази (ХКМ) тузилди.

1997 йили йирик халқаро лойиҳа — узунлиги Республикамиз ҳудуди бўйича 886 километр бўлган Транс-Осиё-Европа оптик тонали алоқа линиясининг қурилиши тугалланди. Мазкур алоқа линияси Европа ва Осиёнинг ўн бир давла-

тини ўзаро бирлаштириб, Германия, Польша, Беларус, Украина, Туркия, Эрон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Хитой, Венгрия, Австрия, Руминия, Россия каби мамлакатлар орқали Европанинг транспорт тармоғига уланди.

Айни пайтда Германия, Россия, Туркия, Туркменистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Хитой йўналишларида янги халқаро алоқа йўлга қўйилди.

Шунингдек, 1997 йили Ўзбекистон 19 та йўлдош билан ишловчи космик сегмент шарафати туфайли бутун дунё бўйича кенг миқёсда хизмат кўрсатувчи "Интелсат" халқаро йўлдош алоқаси ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. "Ўзбек-телеком" акциядорлик компанияси томонидан "Интелсат" орқали 11 та халқаро йўналишда дунёнинг барча мамлакатларига тўғридан-тўғри чиқиш имконияти яратилди.

2000 йили халқаро трафикаларга тобора ошиб бораётган эҳтиёжларни қондириш учун мавжуд коммутацион станциялар қўшимча ускуналар билан жиҳозланди. Пировардидан ушбу коммутацион станция — EWSД, AXE ва NEAX-61 негизда халқаро коммутация марказининг қуввати 23 минг нуктага етказилди. Шу билан бирга "Интелсат" ер усти йўлдоши орқали телевизион узатувларини ташкил этиш бўйича хизмат кўрсатиш тизими фаоллаштирилди. Бу талбир бугунги кунда давлатимизнинг халқаро фаолиятини ёритишни таъминламоқда. Ушбу ер усти йўлдоши Марказий Осиё ҳудудига ягона бўлиб, халқаро телевизион сигналларни узатишда сифатли хизмат кўрсатишга ёрдамлашмоқда.

2001 йилнинг август ойида ер усти алоқа йўлдошини янада такомиллаштириш мақсадида ТВ сигналларини узатишнинг рақамли тизими амалиётга таъбиқ этилдики, бу ушбу хизмат турининг сифат даражасини янги поғонага кўтариб, халқаро тармоққа интеграциялашувга замин яратди.

Давлат уяли алоқа операторидан халқаро трафикни тезорлик билан

амалга ошириш зарурати тутилганлиги, халқаро роумининг ташкил этилишининг долзарблиги 7-ОКС сифатли востасини ривожлантириш ва уни ҳаётта таъбиқ этиш учун ҳам талаб қилди. Натижада 1998 йилдан бошлаб уяли алоқа компанияларининг халқаро роуминга чиқиши таъминланди. Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг Халқаро коммутация маркази республикамиздаги тўртта — "COSCOM", "Узмаком", "ДЭУ Юнител" ва "Бустел" уяли алоқа компанияларига ана шу йўналишда хизмат кўрсатиб келмоқда.

Ҳозирда телекоммуникация тармонини такомиллаштиришнинг долзарб йўналишларидан бири маълумотлар узатиш тармоғини ривожлантиришдир. Ушбу вазифини амалга ошириш, Интернет ва электрон маълумот хизмат турларига оидланган талабларни қондириш мақсадида юқори ишлаб чиқариш сифатига эга бўлган тармоқ яратилмоқда. Хитой, Италия ва Америка давлатларига маълумотлар узатувчи амалдаги йўналишлар кенгайтирилмоқда. Бу борала "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси чет эл компаниялари билан ҳамкорликда лойиҳалар тайёрламоқда.

Халқаро алоқани ривожлантиришнинг энг асосий омилларидан бири Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация операторининг халқаро фаолиятидир. "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси чет эл компаниялари, алоқа маъмурий-ятлари, яъни алоқа соҳасида ҳудудий ҳамкорлик ташкилоти (АСХХ) ва унинг операторлар кенгаши, Халқаро электралоқа иттифоқи (ХЭИ) ҳамда Алоқа йўлдош халқаро жамияти (Интелсат) билан фаол иш юритиб, янги алоқаларни ташкил этиш ва мустаҳкамлаш юзасидан узоқ муддатли ўзаро муносабатлар ўрнатиш ва иқтисодий ҳамкорлик сибасини олиб бормоқда.

Матбуот материаллари асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил, 29 августда қабул қилинган ва 1998 йилнинг 1 ноябидан кучга киритилган "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни бозор иқтисодиёти шартларида хужалик юритувчи субъектлар ўртасида вужудга келаётган янги иқтисодий муносабатларни тартибга солишда ҳамда шартнома интизомини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Шартнома нима? Шартнома — бу хужалик юритувчи субъектларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий воситасидир. Шартнома тузишда нималарга эътибор бериш керак? Бунда Ўзбекистон Республикаси "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуннинг 10-моддасида белгиланган талабларни бажариш уринидир. Ушбу талабларга шартнома предмети, етказиб бериладиган товар (иш, хизмат)нинг миқ-

д о р и с и с и ф а т и а с -

сортименти ва баҳоси, шартномани бажариш муддатлари, шартнома мажбуриятини умуман ёки лозим даражада бажармаганда тарафларнинг жавобгарлиги, низо-ларни ҳал этиш тартиби, шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, тарафларнинг рекевизитлари ва бошқалар кирди.

Қонунида белгиланган бу талаблар бажарилмаган ҳолда тузилган шартномалар қандай оқибатларга олиб келиши Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумининг "Ўзбекистон Республикаси "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунини хужалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 2002 йил, 4 март, 103-сонли қарорида ўз аксини топти.

Қонуннинг 10-15-моддалари ва Фуқаролик кодекси (ФК) нинг 384-385-моддаларига мувофиқ, шартнома тузиш ҳақидаги тарафнинг тақлифи (оферта)га жавоб тулик ва таъминсиз бўлгандагина акцент ҳисобланишига эътибор берилади керак. Агарда иккинчи тараф офертани баъзи бир эълорлардан билан ёки қисман қабул қилса, у акцент бўлмайдиган ва қарши тақлиф билдирилган деб ҳисобланади. Шундай ҳол Тошкент радиотелевизион узатиш маркази (РТМУ) ва "Автоалоқа" АЖ ўртасида тузилган шартномада ўз берган. Акциядорлик жамияти шартномага имзо ва муҳр қўйган бўлсада, шартноманинг бир бандига ўз қаршилигини билдирган.

Шартномада мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилиши керак. Агар бажариш муддати кўрсатилмаган ёки муддат талаб қилиб олиш пайти билан белгиланган бўлса, бундай ҳолларда ФКнинг 242-моддасига мувофиқ, қардор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддатда бажариши шарт. Шартнома шартларини белгиланган ва уларга қўшимчалар киритиш маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ёки бошқа идораларнинг таъйиқ билан мажбуран амалга оширилган бўлса, бундай шартнома суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Аммо шартномаларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ хужалигинида ҳисоб-тоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона, ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1995 йил, 12 майдаги Фармонининг 1-бандида кўзда тутилган маҳсулот бериш, хизмат

лар кўрсатиш учун олдидан қилинган 15 фойз тўлов тулаш шартли албатта кўзда тутилмиш керак. Халқимизда «шайи лойдан ўтади» деган мақол уринли айтилган бўлиб, бунда маҳсулот ёки хизмат учун ҳақ тўлашдан бундан толаш ҳоллари ҳам юз беради. Бундан судлар шартномада олдидан тўлаш белгиланган ёки белгиланмаганлиги ҳолатларига эътиборни қаратади ва қонун ҳужжатлари талаблари бўлинишига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг жиноий, моддий, маъмурий ёки илтимосий жавобгарлиги масаласини белгилаш мумкин. «Электралоқатизминот» АЖ билан «Алоқавест» АЖнинг Тошкент Махсус алоқа қурилиш таъмирлаш бошқармаси ўртасида тузилган шартномада маҳсулот учун олдидан ҳақ тўлаш 100 фойз қилиб белгиланган бўлса ҳам «Электралоқатизминот» АЖ тўловсиз маҳсулотни бериб юборган. «Инсофсиз харидор»дан эса пул хужалик суди орқали ундирилган.

Қардор ҳақини тўлашдан бош тортганлиги ҳолатлари (жум-

ладан, тўлаш имконияти бўла туриб тўловни амалга оширмаганили, қарзини тани олмаганили, кредиторлик-дебитторлик қарзлари ҳақида солиштириш маълумотлари тузишдан бундан толаш толашганили ва ҳ.к.) аниқланса, пеня қўлла-ниладиган ёки қўллашилганлигидан қатъи назар, тўлаши шарт бўлган сумманинг 15 фойзи миқдоридан ҳақдор ҳисобига жарима ундирилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, шартноманинг ҳар қандай бузилиши ҳолларида мансабдор шахслар жавобгар эканликлари унутмасликлар керак. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил, 4 мартдаги "Хужалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий нозоратини ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахслар жавобгарлигини қучатириш тўғрисида"ги Фармон ва қонуннинг 35-моддасида ўз аксини топти. Шартнома мажбуриятлари хужалик юритувчи субъект мансабдор шахсининг айби билан умуман ёки лозим даражада бажарилмагани корхонанинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулк мақсада номувофиқ фойдаланилганили, шунингдек, тўлов илтимоси бўлинишига, хужалик юритувчи субъект банкротлига дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қондуб-зарарлар ҳодир этилаганлиги аниқланган тақдирда, мансабдор шахс Ўзбекистон Республикаси "Фуқаролик кодекси"нинг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқий. Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 175, 176, 176, 212 ва 214-моддаларига қўра маъмурий, ҳатто Ўзбекистон Республикаси "Жиноят кодекси"нинг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шартнома рисоладегидек тузилган бўлса, хужалик судларининг ҳал қилувчи қарорлар чиқариши ҳам енгил қучади. Шундай шартномалар жумласига «Ўзбектелеком» АЖ «Тошкент Телеком» филиалнинг микозлар билан тузилган шартномаларини мисол қилиш мумкин. «ADOLAT-KUCHI» адвокатлик фирмаси адвокат Маменов Ўзбекистон Республикаси хужалик судларида «Тошкент Телеком» филиали номидан даъво қўзаб, филиал фойдасига 23 млн. сумдан ортиқроқ қарзларни ундиришга мувофиқ бўлганлиги бундан бир бор таъкидлади.

Маҳаммадиль ТУРҒУНОВ,
«ADOLAT-KUCHI»
адвокатлик фирмаси адвокати

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ЎҚУВИ

"Бухоро Телеком" филиалида вилоятнинг барча меҳнат жамоаларида бўлинибди, "Тараққиётнинг янги босқичи: асосий йўналишлар ва вазибалар" мавзусида набатдаги маънавият ва маърифат ўқуви ўтказилди. У Президентимиз И. Каримовнинг иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Маҳлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасини ўқиб-ўрганишга бағишланди.

Маънавият ва маърифат ўқуви давомидида юртбошимизнинг Олий Маҳлисе сессиясидаги "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзусидаги маърузасида, шунингдек, маҳаллий

матбуотда эълон қилинган "Фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида" ва "Давлат қурилишининг долзарб масалалари" сингари мақолаларга илгари сурилган мақсад ва вазибалар ҳусусида батафсил сўз юритилди, уринли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ўқув катнашчиларини қизиқтирган саволларга апрофича жавоб берилди.

Кишларимиз, айниқса ёшлар онгидида истиқлол мафкурасини шакллантириш, уларни мустақил тоғларига салоқат руҳида тарбиялашда вилоят миқёсида ҳар ойда бир марта ўтказилаётган маънавият ва маърифат ўқувининг аҳамияти катта бўлаяпти.

А.ИСТАМОВ,
Бухоро вилояти

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

қўйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

Кафедра мудир:

Электр занжирлари назарияси — 1,
Почта хизмати — 1,
Философия — 1,
Иқтисодиёт назарияси — 1.

Доцентлар:

Иқтисодиёт назарияси — 1.

Катта ўқитувчилар:

Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари — 2,
Эҳтимоллар назарияси ва статистика — 1,
Информатика — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

Почта хизмати — 1,
Менежмент ва маркетинг — 1,
Иқтисодиёт назарияси — 1,
Алоқа қурилмаларининг электр таъминоти — 1,
Телекоммуникация узатиш тизимлари — 3,
Телематика тизимлари — 1.

Аризалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган мутахассислар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари қатнашиши мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 108-уй.

Телефон: 138-64-06.

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

"Ўзбекистон маркази" акциядорлик жамияти "O'zbekiston gulsaparlari" va "Nukus 70 yilligi" nomidagi yangi badiiy pochta markalarini nashrdan chiqardi.

"O'zbekiston gulsaparlari" pochta markasi "Qoraqum", "Solnechniy zaychik", "Simfoniya", "Ikar", "Babey leto", "Chimyon", "Toshkent" hamda "Askia" deb nomlangan tupplamlardan iborat bo'lib, ularga turli gulsaparlari tasviri tushirilgan.

Rassom M.Baklikom muallifligida un ming nusxada ofset usulida chop etilgan bir markalarining bahosi 15, 30, 45, 50, 60, 90, 125 va 160 sumdir.

Yigirma ming nusxada nashr etilgan "Nukus 70 yilligi" nomidagi badiiy pochta markasi narxi 100 sum bo'lib, muallifi rassom S.Sharipovdir.

Ўз мухбиримиз

"Xabar" gazetasi jamoasi gazetaning sobiq xodimi Muzafofar Kayimovga otasi

ШОЙИМ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетининг "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси катта ўқитувчиси Е.Гамолнига отаси

Иван Алексеевич

ГАМОЛИН

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ташкил, корхона ва муассасалардан рационализи-торлик тақлифлари ва соҳада фойдаланиладиган техноло-гия тармоқларини такомиллаштириш учун бюромлар қабул қилади.

Маълумот учун телефон: 136-37-34.



Мўлал истилоҳларининг босқини Марказий Осиё ҳақидаги маданияти ва санъати тараққиётининг икки асрга тўқнаб қўйди. XIII-XVI асрларда шохмат санъати яна ривож топа бошлади. Шейхнинг даҳшати Лутфий, Бобур, Отақий, Насимийлар бежиз ўз газалларида «Шатранж» (шоҳмат) ҳусусида тўқнаб ўтмагандилар. Соҳибқирон Амир Темури саройида яшаган Али Шатранжий (XV-XVI аср) тенги йўқ шохматчи ва зўр назарийчи бўлган.

Ибн Арабшоҳ «Амир Темури тарихидан» (1436 йил) китобида жаҳонир ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятдан баъс юритуви тарихий маълумотларни келтирган. Унинг ёзишича, Соҳибқирон тафаккурини пешлаш мақсадида муттасил 144 ёки 110 катакли шохмат (шатранж) ўйнади. Тахтининг эни ўн бир хона, бўйи ўн хона эди. Амир Темури шохмат ўйнаши давлатини одилона боққаришда, ҳарбий ишларни таъбиркорлик билан юретишда, жангу жадуни ақсатар эди. Масалан, жанг маҳалида қачон пиёдаларни, сипоҳларни жангга тушириш кераклигини олдиндан билиб қўйди. Саркарда шохмат ўйинини қим ва қачон ўргатиш ҳақидаги номулҳум.

Амир Темури ўз салтанатида олимлардан Мавлоно Абдумаликни ҳам олиб келган. У «Хидоя» муаллифи Бурхониддин ал Марғиновийнинг айтишидан бўлиб, мудarrisлик қилар, шатранж ва нарз ўйинларидан тилим берар эди. Шейх ҳам машқ қиларди. Темури саройида ўқитувчи уламолар ва шохмат эълоиларидан Муҳаммад ибн Ақил ал-Хайми ва Зайн-ал Яздий,

уста лақабли ибн ал Жалолиддин ва шатранжнинг энг кучли билимдони Алоиддин ат-Табризийлар бор эди. Алоиддин Зайн-ал Яздийга ортинча пиёда бериб қўяр ва ғолиб чиқарди. Ибн Ақлий эса бир оғиз ўйнаб етганди. Кунлардан бир кун Амир Темури Алоиддинга: «Гўё мен мўлқ сиёсатида ягона султонлиқни бошқармоқдаман. Сен ҳам шатранж оламида тенги йўқ шатранжисан» дейди. Машҳур тарихчи Хондамир ўзининг «Ҳабибус-сина» асарида XIV асрнинг иккинчи ярмида Табризда, кейинчалик Эрон ва

Гиникнинг «Шохмат асрлар оша дунё кезди» номи китобида. Китеб тарихий маълумотларга жуда бой бўлиб, унда V асрдан тортиб то XX асргача шохмат ўйнаган давлат арбоблари, саркардалар, шоиру ёзувчилар, расому кинорежисёрлар, актёрлар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Китебнинг 59-бетиде Соҳибқирон Амир Темури икки нарсанинг ашаддий мухлиси эканини, яъни «Шатранж ўйнаш ва ов қилишни» яхши кўргани таъкидланган. Муаллиф ёзишича, Амир Темури даврида шохмат ўйини санъати алоҳида ажралиб турган ва шат-

ранжнинг яхши ўйнаганларни «Санъаткор донишманд» деб аташган. Соҳибқирон 144 катакли шатранж тахтасида ўйнашни маъқул кўрган. Саркарда Амир Темури бошда шатранж ўйнаб, рақибига «ог» билан шох деб «юлиш» бериб, «рух»ни юлиб турганда, наварлардан бири хушхобор билан боққа кирарди. Соҳибқиронга ўғил кўрганини айтиди, хурсанд бўлиб кетган Темури ўғлини Шохрух деб атади. Шаҳар ариқларини тозалаш, теварак-атрофини тартибга келтириш, чала қолиб кетган иморатларни битириш ҳусусида фармон берди. XIX асрда яшаган шарқшунос олим В.Бартолд Соҳибқирон Амир Темури шундай таърифлайди: «У шохмат ўйинига қизикар ва бу соҳда юқори мартабага эришган ислом дини вакиллариини шу қадар яхши билардики, диний мунозараларни кузатиб бориши ва уларда бемаълум иштирок этиши мумкин бўлган буюкларнинг ҳаммаси унинг ҳарбий муваффақиятларига ҳам ердан берган».

СОҲИБҚИРОН ВА ШОҲМОТ

Озарбойжонда яшаган Ҳожи Али Табризийни ўша даврга шухрат топган бир шатранжчи сифатида шундай таърифлайди: «Ҳожи Али Табризий шатранж илмидан шунчалик воқиф эдики, уни устоз деб атардилар. Ҳойибонани ҳам худди ҳозирондек гўзал ўйнади. У ҳақида Амир Темури тўплаган шохматчилар орасида буларди». Манбаларнинг кўрсатишича, Ҳожи Али шатранж тахтасига қарамай, бир тўқтининг ўзиде тўрт киши билан ўйнай олган. Ҳолбуки, у даврларда европа мамлакатларида бу усул билан бир-иккита тахтада аранг ўйнаганлар. Шохматда зўр маҳорат кўрсатган Ҳожи Алининг шухрати тарихий асарларга қайд этилган. Соҳибқироннинг шохматнинг ҳақиқий мухлиси эканига яна бир исбот — у Шохрухга кўп донишманд аломатларни тақдир этиб, ёшарга шохмат санъатини ўргатишни топширади.


Тури даврларда шохматта онд кўпга китеблар яратилган. Шулардан энг ноёби поляк журналисти Ени

МУҲАББАТ, БУ —...

- Ҳаётда фақат биргина бахт бор — севиш ва севилиш.
- Ҳеч қандай муғомбирлик муҳаббатнинг бор ёки йўқлигини узоқ вақт яширолмайди.
- Муҳаббат ягондир, аммо унга нисбат берилган сохталиклар сон-саноксиз.
- Бир-бирини тушуниш учун умумий муштаракликлар, бир-бирини севиш учун эса алоҳида ажралиб турадиган жиҳатлар керак.
- Муҳаббатнинг сир-асрори тугаганда нашъу намоси ҳам тамом бўлади.
- Муҳаббатда ғолиблар бўлмайди, мағлублар бор.
- Муҳаббатдан кўрққанлар демак ҳаётдан кўрқадилар, ўша — ҳаётдан кўрқадиганлар бамисоли тирик мурдадир.
- Сен у севарминки деб сўрайсанми? Севмайди. Агар севганида сўраб ўтирмасдинг.
- Севги ҳам худди тиббиётта ўхшайди: ёмон дўхтир сермулозаматроқ бўлади.
- Ҳеч қачон биргаликда кулишолмайдиган одамни чинакамига севиш мумкин эмас.
- Севгини сақлаб қолиш учун севгидан ташқари яна нимадир ҳам бўлиши керак.
- Аёл севганида заиф, севилганида эса кучли бўлади.
- Севимли бўлиш учун яхшиси гўзал бўлиш керак, аммо гўзал бўлиш учун севимли бўлиш лозим.
- Севимли бўлгинг келса, сев.
- Мен севаман ва севимлиман. Аммо у битта одам эмас.
- Дузаҳ — бу энди сева олмай қолишдир.

Ш.ЭРГАШЕВ тайёрлаган

БОШҚОТИРМА



ЭНИГА: 1. Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. 5. Кавказнинг машҳур маъданли буюк суви. 6. Санкт-Петербургдаги таникли музей. 9. Кимёвий суюқлик. 10. Телесериал (АҚШ). 11. Сурхондарёдаги тоғ. 14. Автомобилсозлар шахри. 16. Сурункали бўғим касаллиги. 17. Ақли қиз. 19. Хатсавод чиқарувчи дастлабки ўқув дарслиги. 20. Ўзбек шоири Бобораҳим... 24. Чаҳорёвлардан бири, халифа. 25. Ёғочбоп дарахт тури. 26. Сокин, тинч. 29. Мамлакатимиздаги сиёсий партиялардан бири. 30. Россиядаги қўл. 31. Адабий жанр. 33. Самарқанд вилоятидаги туман. 34. Махмуриинг машҳур шеъри. 35. Ёзувчи аёл.

БЎЙИГА: 1. Қимматбаҳо тош. 2. Денгиз. 3. Рухсат. 4. Кулчилик буюмлари билан доврқ қозонган маскан. 5. Тўн, чопон. 7. Антарктида жойлашган қутб. 8. Бино. 12. Импиллаб юрвчи жонивор. 13. Қозоғистондаги шаҳар. 14. Эълоннинг бир тури. 15. Ипақдан тўқилдиган мато. 17. АҚШдаги штат. 18. Сув йирткичи. 21. Араб давлатларидан бирининг пойтахти. 22. Давлат рамзларидан бири. 23. Наврўз таоми. 27. Нон ва сомса ёпиладиган қурилма. 28. Жиззах вилоятидаги тоғли туман. 31. Таҳлил учун намуна олиш. 32. От-улов.

Тузувчи: Исмоил МУСО

Газетамизнинг 2002 йил, 6 сентябр, 37-сониде чоп этилган бошқотирма жавоби

Энига: 1. Али. 3. Кит. 9. Сирдарё. 10. Ҳимолай. 15. Наср. 16. Австралия. 17. Боза. 20. Брасс. 21. Пахта. 22. Орбит. 25. Нодира. 26. Бартер. 27. «Тойота». 29. Магат. 32. Оломош. 33. Такси. 34. Анапа. 39. Тога. 40. Самарқанд. 41. Нона. 44. Беруний. 45. Нингидин. 46. Ява. 47. Ҳаж.

Бўйига: 2. «Лада» 4. Илон. 5. Миссури. 6. Арава. 7. Битим. 8. Фазогир. 11. Она. 12. Оттава. 13. Мактаб. 14. Чал. 18. Исомобод. 19. Аргентина. 23. Ҳирот. 24. Прага. 28. Абакан. 29. Мусика. 30. Улуғбек. 31. Ипполит. 35. Юта. 36. Майиз. 37. Анлиз. 38. «Жар». 39. Кўён. 43. «Нола».

ХАНДАЛАР

- Хотинининг турган-битгани ваҳима, — деди бир йигит ўртоғига, — қачон қарама авзойи бузуқ, мендан шубҳа қилиб юради.
- Меники эса бутунлай тескариси, — деди ўртоғи, — доимо ҳазил қилгани қилган. Тунов кунни ҳазиллашиб, мен танимайдиган бир амалисини кийим жавонига қамаб қўйибди, тушмагур.

...

- Бир аёл фол очириш учун фолбинникига борди.
- Вой худойим, яқинда эрингизга ҳужум қилишаркан, — деди фолбин, — натижада эрингиз ҳалок бўларкан.
- Мен-чи, мени қамашадими ёки қўйиб юборишадими?

...

- Нега жарроҳлар операциядан олдин резина қўлқоп кийиб олишадилар?
- Билмадим, эҳтимол бармоқ изларини қолдирмаслик учун бўлса керак.

Почта хизматчисига қўшниси деди:

- Сенга жуда ачинаман. Эрталдан кечгача хатларга муҳр босиб билан шуғуллансан. Наҳотки кун бўйи бир хил иш қилиш жонингга тегмаган бўлса?
- Нега энди бир хил иш бўлар экан? Ҳар кун муҳр рақамини ўзгартираман-ку.

...

- Қоронгу йўлакда кетаётган киши рўпарадан келаётган кишидан сўради:
- Кечирасиз, шу яқин-атрофда милиционер кўринмадими?
- Йўқ.
- Ундай бўлса, еч палтоним!

...

Сувда сузиш дарсида сузувчи тренери деди:

- Бугунча машқни тўхтатсак бўларди.
- Нега? Чарчалингизми ёки машқдан зерикдингизми?
- Йўқ, лекин бошқа бир қўлтам ҳам сув юта олмайман.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Қашқадарё почтаси» АЖ Чироқчи филиалининг «Ақчаво» бўлими бошлиғи **Қаюм ЭЛМУРОДОВ**ни туғилган кун билан тошкентлик собиқ курсдошлари табриклайди.

Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилайди.



МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шомансур ОБИДУЖАЕВ,
Шухрат ЖАББОР,
Анатолий КУДИНОВ,
Иззат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирзиалат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35,
А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42
 Хабар@uzapt.uzpak.uz
ИНДЕКС: 64600
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма №Г-973.
5086 нускада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босматбоқ.
Газета таҳририят компютер базасида терилди ва сақланган.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АҚЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ

Монизин: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Матн тюрвчи: Д. МАТКУРБОНОВА
Саҳифаловчи: Ш. КИМСАНБОВ

Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00